



National Forensic Sciences University
Knowledge | Wisdom | Fulfilment
An Institution of National Importance
(Ministry of Home Affairs, Government of India)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН

ВА

МИЛЛИЙ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ УНИВЕРСИТЕТИ, ҲИНДИСТОН

ЎРТАСИДА

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Устав асосида фаолият кўрсатувчи Тошкент давлат юридик университети номидан ректор Хакимов Раҳим Расулжонович ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи Миллий суд экспертизаси университети номидан вице-канцлер Ж.М.Въяс (алоҳида Томон биргаликда “Томонлар” деб номланади), ўзларининг илмий муассасалари ўртасидаги ўзаро англашувни яхшилаш ва талабаларга фойда келтирадиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиб биринчи қадам сифатида ушбу Англашув меморандумини имзолашга келишиб олди.

1-модда

Академик ҳамкорлик доираси ва йўналишлари

Томонлар ҳар бир муассасада қўлланиладиган қоидалар ва тартибни ҳисобга олган ҳолда мавжуд маблаг ва манбалар доирасида қўйидаги дастурларни амалга оширишга келишиб олди:

- (а) талаба, профессор-ўқитувчи ва бошқа ходимлар алмашинуви;
- (б) МСЭУ томонидан ТДЮУга келишилган ўқув режаси шартларига мувофиқ суд экспертиза фанлари лабораториясини ташкил этишда ёрдам бериш;
- (с) қўшма илмий тадқиқот дастурлари;
- (д) қўшма ва икки томонлама диплом бериш дастурлари;
- (е) профессор-ўқитувчи, илмий тадқиқотчи ва бошқа ходимларнинг илмий конференция ва симпозиумларда иштирок этишини таъминлаш;
- (ф) магистратура ва докторантурда дастурларини ишлаб чиқиш, магистратура ва докторлик диссертацияси учун илмий раҳбарлик, шунингдек масофадан ўқитиш дастури ва касбий қайта тайёрлаш қўшма дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш;
- (г) нашрлар, маъruzalар қилиш ва бошқа ўқув материалларини алмасиш;
- (h) ўзаро манфаатдорлик асосида бошқа тадбир ва дастурларни амалга ошириш (МСЭУ томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича суд экспертизаси ва хуқуқшунослик, суд экспертиза журналистикаси, жиноятчилик манзараларини суратга олиш, кибержиноятчиликни тергов килиш, киберхавфсизлик, компьютер ва мобил телефон экспертизаси каби қисқа профессионал сертификатли курслар каби).

Ушбу Меморандумда күзда тутилган ҳар қандай дастур ва фаолият шартлари, агар зарур бўлса ҳар икки Томон ва ҳар қандай учинчи шахслар томонидан келишиб олинади ва алоҳида ёзма битим тузилади. Ҳар қандай дастур ёки фаолиятни бошлаш ва амалга ошириш тўғрисидаги қарорни ҳар бир Томон ўз ихтиёри билан қабул қиласди.

Томонлар ҳар бир муассаса номидан ушбу Меморандумнинг бажарилишини назорат қилиш, алмашинув дастури, бюджет талаблари ва молиялаштиришга оид аниқ қоидаларни белгилаш бўйича масъул бўлган координаторларни тайинлашга келишиб олди. Бунинг учун **ТДЮУ** координатори Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиги Ойбек Якубов ва **МСЭУ** координатори эса Халқаро алоқалар маркази раҳбари Проф. Навеен Чаудхари этиб белгиланди.

2-модда Молиявий келишувлар

Томонлар ўртасида ёзма равишда бошқа бирор бир келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир Томон ушбу Меморандумга мувофиқ ҳар қандай дастур ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, шу жумладан турар жой ва саёҳат харажатларини ўз зиммасига олади.

3-модда Қўшма мулк

Ушбу Меморандум доирасида амалга ошириладиган дастур ёки фаолият натижасида юзага келадиган ҳар қандай интеллектуал мулкка Томонлар биргаликда эгалик киласди, ҳар қандай бошқача шарт ва қоидалар Томонлар ўртасида ёзма равишда келишиб олинади.

Ҳар қайси тараф Томонларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари асосида олиб борилган тадқиқотлар натижаси бўлган ҳар қандай нашр ёки тадқиқот бўйича бир-бирини тан олади, агар бошқача тартиб Томонлар ўртасида ёзма равишда келишмаган бўлса.

4-модда Махфийлик

Томонлар ўзаро келишувга биноан ҳар қандай дастур ёки фаолият билан боғлик равишда алмашилган, олинган ёки юборилган ҳар қандай маълумотни ҳар доим махфий сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади, фақат маълумот жамоат мулки бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

5-модда Муддат ва бекор қилиш шартлари

Ушбу Меморандум ижро этилган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил давомида амал қиласди ҳамда Томонлар ёзма равишда келишиб олган муддатга узайтирилиши мумкин.

Томонлар ушбу Меморандумни бекор қилишдан камида олти (6) ой олдин бошқа Томонга ёзма равишда огоҳлантириш юбориш орқали бекор қилиши мумкин.

Ушбу Меморандум бекор қилинганда давом этаётган ҳар қандай алмашинув дастури ёки фаолият тугагунга қадар амал килишда давом этади, агар Томонлар ёзма равища уларни олдинроқ тўхтатиш тўғрисида келишиб олмаган бўлса.

6-модда
Якуний қоидалар

Ушбу Меморандум исталган вақтда Томонларнинг тегишли келишувидан сўнг ва ҳар икки Томоннинг ёзма розилигига биноан ўзгартирилиши ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Томонлар барча ташрифлар яъни талаба, ходим ёки раҳбарларнинг аламашинуви Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг виза талаблари ҳамда тегишли Томоннинг талаба ва ходимлар ташрифиға нисбатан жорий этилган қоидаларига мувофиқ бўлиши кераклигини тан олади.

Ушбу меморандум Томонлар учун мажбурий эмас. Бу фақат келажакда тузилиши ва бажарилиши керак бўлган ҳар қандай қонуний битимнинг асосини ташкил этувчи Томонларнинг мақсадларини ифодалайдиган келишувдир.

Томонлар мазкур келишув билан чекланиб қолмайди, бошқа Томонни хабардор қилмаган ҳолда Томонлар учинчи шахслар билан ҳар қандай алоҳида битим ёки келишув тузиш ҳукуқига эга.

Томонлар ушбу Меморандум ўзларининг тегишли ваколатли вакиллари томонидан бажарилишини таъминлайди.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
УНИВЕРСИТЕТИ**



Проф. Рахим Ҳакимов
Ректор
Тошкент давлат юридик
университети
Тошкент

Сана: 25.05.2021.

**МИЛЛИЙ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ
УНИВЕРСИТЕТИ**



Проф. Ж.М. Вијас
Вице-Канцлер
Миллий Суд Экспертизаси
Университети
Гужарат

Сана: 25.05.2021.